

6-1-2019

ABOUT TAXATION ON ELECTRONIC COMMERCE

K. Urazaliev

Tashkent Financial institute, www.ibb@tfi.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Urazaliev, K. (2019) "ABOUT TAXATION ON ELECTRONIC COMMERCE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

К.Т.Уразалиев
Тошкент молия институти
мустақил тадқиқотчиси
www.ibb@tfi.uz

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ХУСУСИДА

Аннотация: Мақолада жаҳон иқтисодиётида трансформацион ўзгаришлар даврида электрон тижоратни солиққа тортишнинг жаҳон амалий тажрибаси ҳамда мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган. Шунингдек, электрон тижоратни солиққа тортиш концепциялари, уларни амалга оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: Электрон тижорат, солиқлар, жаҳон амалиёти, электрон тижоратни тартибга солиш

Аннотация: В статье рассмотрен иностранный опыт налогообложения электронной коммерции в период трансформационных изменений в мировой экономике. Определены наиболее проблемные вопросы, требующие решения, и сформулированы выводы относительно совершенствования налогообложения электронной коммерции.

Ключевые слова. Электронная коммерция, налоги, иностранный опыт, регулирование электронной коммерции.

Annotation: The article examines the foreign experience of taxing e-commerce in the period of transformational changes in the world economy. The most problematic issues that need to be solved are identified and conclusions are drawn regarding improving the regulation of e-commerce.

Keywords. E-commerce, taxes, foreign experience, regulation of ecommerce

Кириш

Ҳозирги Глобаллашув жараёнида телекоммуникация саноати иқтисодиётнинг алоҳида олинган соҳаси сифатида ривож топиши ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларининг қўланишига доир масалалар устувор аҳамият касб этмоқда. Техник имкониятлар кенгайиши ва мазкур саноатнинг салоҳиятини амалиётда тўлақонли қўллаш миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди ҳамда шу тарзда хусусий ва давлат тузилмаларининг стратегик барқарорлигини таъминлайди. Жаҳон бозорининг замонавий ривожланиш йўналишларига кўра, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида инновацияларнинг киритилиши ва уларнинг самарали қўлланиши корхоналарда бошқарув ва технологик жараёнларнинг самарадорлигини

оширишга замин яратиб, иқтисодийнинг турли жабҳаларида мавжуд товар ва хизматлар бозорларини кенгайтириб, янги бозорларни яратиш учун шароит яратади ва шу орқали аҳоли турмуш тарзи яхшиланишига сабаб бўлади.

Электрон тижорат бутун дунё бўйлаб жадал ривожланмоқда ва анъанавий бизнес учун тобора жиддий рақобат қилмоқда. Соҳа мутахассисларнинг фикрига кўра, яқин келажакда савдо жараёни анъанавий дўконлар ва офислардан виртуал майдонга кўчиб ўтади ҳамда унда исталган маҳсулот дунёнинг ҳар қандай жойидан сотиб олиниши мумкин бўлиб, ЯИМнинг сезиларли улушини ахборот маҳсулотлари ва хизматлар ташкил қилади.

2018 йилда мамлакатимизда фаолият юритаётган баъзи тижорат банклари электрон тижорат соҳасида ўз маҳсулотларини миллий бозорга олиб чиқишди. 2017 йилда электрон тижорат бўйича пул ўтказмаларининг умумий суммаси 998,192 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса 2016 йилга нисбатан 130 фоизга ошди[1]. Электрон тижорат тизимини такомиллаш-тириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида 2016-2018 йилларда электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қабул қилинган қарори мамлакатимизда молиявий хизматларнинг онлайн имкониятларини кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлди.

Электрон тижоратнинг бундай глобал кўриниш чегарасининг хаддан ташқари ўсиб бориши миллий солиқ маъмурчилигининг норматив ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни ҳамда солиқ маъмурчилигини режалаштиришни тақозо этади. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар бундай ўсишдан солиқ тушумларини бошқариш ва назорат қилиш имконияти хавфидан қийналишмоқда. Чунки, онлайн тижорат тизимида солиққа тортиш нафақат мамлакатимизда балки бошқа мамлакатларда ҳам мураккаб соҳа сифатида ҳамда такомиллаштириш заруриятини юзага келтириди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Электрон тижоратни солиққа тортиш масалалари МДҲ иқтисодчи олимларининг энг кўп муҳокама қилинаётган ҳамда тадқиқотлар олиб борилаётган соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадқиқотлар Н.М. Васильева, Д.Ю. Ведерников, В.А. Воронов, Л.П. Гаврилов, В.Г. Борщев, З.А. Бритков, Л.А. Брагина, В.М. Давыдов, А.В. Корень томонидан олиб борилган[2]. Булар тадқиқотларида электрон тижоратлаштиришдаги солиқ маъмурчилигининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.

Хориж иқтисодчи олимларидан Б.Керовас, Д.С. Карвер, Р.Ж. Соломон, В.Кумар, М.А. Лемлейлар томонидан электрон тижоратнинг солиқ маъмурчилиги соҳаси анча четда қолиб кетиб асосий урғу электрон тижоратнинг АҚШдаги ва Европа мамлакатларида олиб борилаётган фаолияти таҳлили атрофлича таҳлил қилинган[3].

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Н.Р. Қўзиева, В.Абдуллаев, А.И. Усманов ва бошқалар томонидан ўрганилган бўлиб, улар томонидан айнан электрон тижоратнинг мазмуни ва уни виртуал иқтисодийдаги аҳамияти каби

масалалар ёритилган. Айнан электрон тижоратнинг солиқ маъмурчилиги каби масалалари атрофлича ёритилмаган[4].

Таҳлил ва натижалар

Электрон тижорат (ингл. e-commerce) – компьютер тармоқлари ёрдамида амалга оширилган барча молиявий ва савдо транзакцияларни ва ушбу транзакцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бизнес жараёнларни ўзига олган иқтисодий тармоғи[5]. Ўзбекистонда Uzcard тизими тадбиқ этилганлиги ва ҳар қайси вақт ва ҳар қайси жойдан мобил мосламалар ва компьютерлар ёрдамида тўловларни амалга ошириш имконини берган бир қатор лойиҳалар жорий этилганлиги туфайли бизнеснинг янги тармоғи – электрон тижорат жадал ривожланмоқда. Ҳозирда Click, MBank, Sms To'lov каби онлайн режимда хизматларга тўлаш воситалари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Одамлар уйларида чикмай Mytech.uz, Esavdo.uz, Uzbekmarket.uz, Vozor.uz каби интернет-дўконларда, шу жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, техника, парфюмерия, хўжалик товарлари ва ҳатто мебелни харид қилишлари мумкин[6].

Охириги йилларда кўплаб мамлакатларда шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан энг кўп муҳокамаларга сабаб бўлаётган электрон тижоратни солиққа тортиш масаласидир. Ҳар йили интернет тармоғида савдо айланмаси шиддат бўлиб ўсиб бормоқда. АҚШ савдо департаменти ахборотида кўра онлайн тармоғида чакана савдо 2017 йилда 182 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич қарийиб 242 млрд. долларни ташкил этиб бу ўтган йилларга нисбатан 1,3 фоизга ўсган[7]. Шунингдек, Forrester Research прогнози кўра, 2019 йилга келиб АҚШларида интернет тармоғида чакана савдо ҳажми 336 млрд. долларга кўпайиши мумкин[8]. Яна бир eMarketer халқаро прогнозлаш таҳлилчилари таҳлиliga кўра онлайн савдо Осиё ва Тинч океани худудларида мазкур кўрсаткич уч йил ичида 219,7 млрд. долларга яъни қарийиб 3 баробарга ўсганлигини қайд этишмоқда[9].

Кейинги йилларда Ўзбекистонда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш учун муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида ахборот-коммуникация технологиялари фаолият кўрсатишининг муҳим иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи норматив ҳуқуқий база яратилди. Хусусан, замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Шу жумладан, электрон тижорат доирасида унинг иштирокчилари ўртасида юзага келадиган иқтисодий-молиявий муносабатларни самарали тартибга солиш учун ҳар томонлама такомиллашган меъерий ҳуқуқий база яратилди. Буларга, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13

декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувиға рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сон Фармони ҳамда 2018 йил 14 майдаги "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3724-сон, 2018 йил 21 ноябрдаги "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сон қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни келтириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонунининг биринчи варианты 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган эди. 2015 йил 22 майда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг аввалгисига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, йигирмата моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди[10].

Бугунги кунда ҳар қандай давлат бюджети олдида солиқ тушумларини кўпайтириш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлган энг муҳим масалалардан бири бўлиб, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган Интернет тармоғида электрон тижорат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи электрон тижорат субъектларини солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантиришдир.

Электрон тижорат шаклланиш босқичидан ўтган, тадбиркорликнинг ушбу шакли тўлақонли ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш жаҳон солиқ амалиётида электрон тижоратни солиққа тортишда турли концепциялар ва ёндашувлар ишлаб чиқилганлигини[11] ҳамда такомиллаш-тириб борилаётганлигини кўриш мумкин.

"Қарама қарши солиққа тортиш" концепцияси халқаро солиқ тизимида электрон маҳсулотлар ва хизматларни сотиш операцияларидан қўшилган қиймат солиғини тўлаш муаммоларини хал қилишга қодир механизм сифатида яратилди. Концепциянинг моҳияти шундан иборатки, электрон товарни (хизматни) сотиб олишда сотувчи ҳисобни ҚҚСсиз тақдим этади, бошқа мамлакат харидори эса ўз давлатининг бюджети учун ҚҚС тўлаши лозим бўлади, аммо бунда солиқ суммасини ҳисобга олиб қўйиши мумкин. Шундай қилиб, харидор товарлар сотиб олаётганда хорижий компаниянинг ҚҚС бўйича солиқ агенти вазифасини бажаради. Ушбу концепциянинг муҳим хусусияти шундан иборатки, у фақат корхоналараро сотувлар бўйича самарали бўлиши мумкин, чунки бошқа мамлакатдаги солиқни ушлаб қолиш ва тўлаш мажбурияти фақат компаниялар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин, лекин якуний истеъмолчига чакана савдога нисбатан натижа бермайди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу концепция Европа Иттифоқи мамлакатларида муваффақиятли жорий этилган ва ўзини анча яхши кўрсатган.

Айтиш мумкинки, электрон маҳсулотлар ва хизматларни сотиш бўйича операцияларни солиққа тортишга бундай ёндашув миллий Интернет компанияларининг ҳимоя қилиш чораси сифатида ҳам қўлланилади, чунки қўшилган қиймат солиғига, аслида, Европа Иттифоқига аъзо давлатларга

қилинадиган экспорт тортилади ва Европа компанияларининг экспорти эса ҚҚСдан озод қилинади.

Электрон товар ва хизматлар сотувчисини харидор жойлашган мамлакатда рўйхатдан ўтказиш концепцияси. Аввалги концепциянинг энг муҳим камчилиги шундаки, у чет эл компанияси электрон товар ва хизматларни охириги истеъмолчига (жисмоний шахсларга) сотаётганида амалда фойда бермайди. Аммо, ИХРТнинг тавсияларига кўра, бу камчиликни бошқа йўл билан бартараф этиш мумкин. Компания чет эллик истеъмолчиларга (жисмоний шахсларга) электрон маҳсулот сотадиган бўлса, айланма устидан солиқ назорати имкониятлари сезиларли даражада камаяди. Замонавий солиқ амалиётида, бу одатда ҚҚС ва фойда солиғи бўйича солиқ базасини камайишига олиб келади. Шунинг учун ИХРТ бундай компанияларни харидор жойлашган мамлакатда ҚҚСни тўлаш бўйича солиқ ҳисобига мажбуран рўйхатдан ўтказишни таклиф қилади.

Ушбу ёндашув Европа Иттифоқи мамлакатларида қўлланилади, аммо у ўзини ҚҚСни йиғилувчанлигини ошириш самарали воситаси сифатида кўрсатгани йўқ[12].

Бир қатор тадқиқотчилар “солиқ базаси камайишини олдини олиш” концепциясини солиқ тўловларини ундирувчанлигини ошириш усули сифатида қарамқдалар. Бунда электрон рақамли товарлар ва хизматларни сотишдан олинган электрон савдо хорижий иштирокчиларининг даромадларига нисбатан манба олдида солиқ ундириш механизмини жорий этиш зарур. “Қарама қарши солиққа тортиш” концепциясидан фарқли равишда, бу ерда гап билвосита солиқ тўғрисида эмас, балки бевосита солиқ тўғрисида кетмоқда. Бу ҳолда, манба олдида солиқ ундириш усулини қўллаш соҳаси чет эллик электрон тижорат иштирокчиларининг фақат бир давлатда олган даромадларини қамраб олиши керак. Бундай чекловнинг сабаби шундаки, электрон тижоратнинг техник имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақамли товарлар ва хизматларни сотиш бўйича битимлар тузиш натижасида олинган чет эл ташкилотларининг даромадлари, бир давлатда фаолият юритаётган хорижий компанияларнинг даромадини солиққа тортиш мавжуд механизмига мувофиқ фойда солиғига тортилмайди. Бундай ёндашув бир вақтнинг ўзида давлат ташкилотларига (тадбиркорларига) рақамли маҳсулот сотадиган чет эл ташкилотининг доимий ваколатхонаси таърифини модернизация қилишдек жуда мураккаб муаммони ҳал қилиб беради.

Бундай ҳолатда тўлов манбаи олдида солиқ ундириш моддий ёки бошқа рақамли товарларни фақат ўзининг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун сотиб олган солиқ агенти томонидан амалга оширилиши керак. Чет эллик электрон тижорат иштирокчилари билан амалга оширилган битимларни, уларнинг даромадларини солиққа тортиш мақсадларида, бошқа операциялар тўпламидан ажратиб олиш айнан солиқ агенти томонидан амалга оширилиши керак. Солиқ агенти ташкилотлар учун фойда солиғи бўйича ўз солиғини ҳисоблаб чиқишда ва индивидуал тадбиркорлар учун жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашда ҳисобга олиннадиган тўлов суммасини

харажатларнинг бир қисми сифатида қабул қилинишидан манфаатдордир, бу эса хорижий электрон тижорат иштирокчиларининг даромадларини солиққа тортиш мазкур механизмнинг самарадорлигини таъминлайди. Агар рақамли маҳсулот харидори уни Интернет тармоғи орқали сотиб оладиган якуний истеъмолчи бўлса, солиқ маъмурчилигининг мураккаблиги сабабли манба олдида олинадиган солиқ ундирилмаслиги керак. Бундан ташқари, товарни якуний истеъмол учун сотиб олаётган пайтда, харидор илгари солиққа тортилган даромаддан фойдаланади ва тўлов миқдори харидорларининг даромад солиғи бўйича солиқ базасини камайтирмайди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, “солиқ базаси камайишини олдини олиш” концепцияси солиққа тортишнинг асосий тамойиллари талабларига максимал даражада мос келади. Бетарафлик тамойилига кўра, электрон сотувчилар оддий сотувчилар каби солиқ тўлайдилар. Яъни, осон йиғиладиган билвосита солиқларгина эмас, балки тўғридан-тўғри (юримдик шахслардан олинадиган фойда ёки корпоратив даромад солиғи ёки шахсий даромад солиғи) солиқлар ҳам тўланади. Бундан ташқари, концепция қоидалари солиққа тортишнинг самарадорлиги принципига осонлик билан мослашади, чунки кўрсатилган солиққа тортиш жараёни давлатдан ёки солиқ тўловчилар томонидан катта хажмда қўшимча харажатларни талаб қилмайди.

“Айланмадан ягона солиқ” концепцияси 2002 йилда ишлаб чиқилган ва оддий компаниялар тўлайдиган солиқларнинг стандарт тўплами (ҚҚС, фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқалар)ни компания тушумига нисбатан фоиз сифатида ҳисобланадиган битта солиқ билан мажбурий равишда алмаштиришдан иборат бўлган. Ушбу фоизни улгуржи ва чакана савдода анъанавий корхоналарнинг солиқ юки даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш таклиф этилган. Бу тизимнинг афзалликлари кўпгина ривожланган мамлакатларда электрон тижорат ташкилотларининг солиққа тортиш механизмларини тезда ягона шаклга келтириш имконияти билан боғлиқ.

“Бит учун солиқ” концепцияси интернетда самарали солиқ назоратини амалга ошириш мумкин бўлмаган шароитда электрон тижорат иштирокчиларидан солиқ йиғишнинг энг радикал усули ҳисобланади. Концепциянинг моҳияти харидорга ўтказилган маълумотларнинг миқдори асосида ҳисобланган махсус солиқни тўлашдан иборат. Бунда, электрон тижорат иштирокчиларининг даромадларини классик тўғридан-тўғри солиққа тортишдан воз кечилади ва ташкилотлар фаолиятининг молиявий натижаларидан эмас, балки акциз солиғи ёки йиғимларга ўхшаб савдо ҳажмига кўра ҳисобланадиган, натурал кўринишда ифодаланган айланмадан олинадиган солиқ ундиришга ўтилади. Бошқача айтганда, электрон рақамли товарлар ва хизматларни сотишдан олинган фойда суммаси шаклидаги солиқ солинадиган база электрон шаклда тақдим этилган ахборотнинг миқдори – битлар кўринишидаги солиқ базаси билан алмаштирилади.

Европанинг қатор иқтисодчилари глобал компьютер Интернет тармоғининг алоқа каналлари орқали тарқатиладиган триллионлаб бит маълумот шаклидаги янги бойликларнинг пайдо бўлиши –ғоясини илгари

сурдилар. Ушбу концепцияга мувофиқ, бит учун янги солиқ солиғи солиқ солишнинг қуйидаги фарқловчи элементларига эга бўлган айланмадан олинадиган солиқ ҳисобланади. Солиқ объекти рақамли ахборотнинг узатилиши, солиқ солинадиган базани эса – ахборот ўзининг қиймати қанчалик аҳамиятли бўлишидан қатъи назар, узатиладиган маълумотларнинг битлари миқдори бўлиши керак. Ахборот узатиш каналларининг (телефон, кабелли, оптик толали ёки сунъий йўлдош орқали) қандай бўлишидан қатъи назар, бит учун солиқ давлатга янги иқтисодиёт томонидан яратилаётган янги бойликларга эришиш имконини беради. Бунда фақат интерактив (мақсадли) ахборот оқимлари бит солиғига тортилиши керак. Бироқ, бу ҳолатда, янги солиқ оммавий, лекин арзон электрон рақамли товарлар учун жуда оғир ва худди шу ҳажмдаги қимматбаҳо электрон рақамли товарлар учун эса жуда кам бўлади.

Энг арзон электрон маҳсулотлар видеофайллар, энг қимматлари эса, анъанавий равишда, дастурий таъминот ҳисобланишини англаш қийин эмас. Аммо, рақамли товарларнинг биринчи тури иккинчи турига нисбатан ўнлаб мартаба кўпроқ маълумот ҳажмига (битларга) эга бўлади. Шундай қилиб, ушбу концепцияни қўллаш орқали аудио файллар ва рақамли видеоларни сотишга ихтисослашган электрон тижорат субъектлари таққослаб бўлмайдиган даражада катта миқдордаги солиқни тўлашлари керак бўлади, демак улар жуда юқори, асосланмаган солиқ юқини зиммаларига олишга мажбур бўладилар.

Бундан ташқари, юклаб олинадиган файлнинг ҳажмига қараб айнан бир компаниянинг рақамли маҳсулотларини сотиш бўйича солиқ юқининг даражаси ҳам катта сезиларли даражада фарқ қилади, бу эса компанияларнинг маълум турдаги рақамли маҳсулотларни (фильмлар, муסיқий композициялар, маълумотлар базалари) сотиш билан шуғулланишдан воз кечишига олиб келади

“Белгиланган даромад учун солиқ” концепциясини электрон тижорат субъектларига нисбатан дунёнинг бирон бир мамлакатада қўлланилмаган. Концепциянинг моҳияти асосий солиқ миқдорини Интернет тармоғида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи компанияларнинг осон назорат қилинадиган (аниқ белгилаб олинган) кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлган маълумотлар асосида ҳисоблашдан иборат. Ушбу аниқ белгилаб қўйилган кўрсаткичлар товарларни сотишдан тушадиган даромадлар билан ёки солиққа тортишдан олдинги фойда кўрсаткичи билан боғлиқ бўлмаслиги керак, чунки электрон тижорат шароитида тушум ва фойданинг ҳақиқий миқдори солиқ тўловчилар томонидан осонлик билан ўзгартириб кўрсатилиши мумкин.

Ушбу концепциянинг асосий муҳим жиҳати – бу солиқ солинадиган базани ҳисоблаш тартиби, шунингдек ушбу ҳолда тўғрилиги солиқ назорати органлари томонидан осонлик билан назорат қилиниши мумкин бўлган аниқ белгиланган кўрсаткичларни аниқлаб олиш ҳисобланади. Бу айрим фаолият турлари учун тахмин қилинган даромад учун солинадиган ягона солиқ шаклида солиқ солиш тизимидир.

Доимий ваколатхона концепцияси электрон тижорат субъектларига солиқ солиш тартибини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки

ташкilotнинг доимий ваколатхонаси мавжуд бўлса, унда у барча солиқ тўловлари мажмуасини (ҚҚС, фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва бошқа солиқлар) тўлашга мажбур бўлади. Шу билан бирга, доимий ваколатхонаси бўлмаса, компания тўлиқ қонуний асосда умуман солиққа тортилмади ёки солиқ манбаларидан олинандиган даромадлари пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича солиққа тортилади.

Хорижий ташкilotлар даромадини солиққа тортишда электрон тижоратнинг асосий муаммоси ташкilotнинг доимий ваколатхонасининг мавжудлиги ёки йўқлиги масаласидир. Анъанавий тижоратда доимий ваколатхона деганда компаниянинг офиси ёки бошқа доимий фаолият кўрсатиш жойи, шунингдек, боғлиқ шахс (мазкур компания номидан битимлар тузадиган резидент шахс) тушунилади.

Концепциянинг биринчи варианты веб-сайтнинг жисмонан серверда жойлашувининг ўзи, бу сервер жисмоний жиҳатдан жойлашган мамлакатда доимий ваколатхонани вужудга келишишига олиб келмаслигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, электрон дўкон учун хостинг хизматларини кўрсатувчи ташкilot ҳам дўкон эгаси қарамоғидаги агент эмаслигини белгилаб қўйилди, чунки у унинг номидан битимлар тузмади. Аммо мамлакатда фақат веб-сайт эмас, балки электрон дўконнинг асосий бизнес функцияларини бажаришга имкон берувчи махсус қурилмалар (дастурий-аппарат мажмуаси) мавжуд бўлса, доимий ваколатхона (хатто ушбу ускуналар тўлиқ автоматлаштирилган бўлса ҳам) юзага келади, чунки компанияда доимий фаолият жойи пайдо бўлади.

Доимий муассаса концепциясининг иккинчи варианты солиқ амалиётида “доимий ваколатхона” концепциясини бутунлай воз кечиш зарурати билан боғлиқ, чунки у янги иқтисодий муносабатларнинг ҳақиқатига мос келмайди. Дастлаб доимий ваколатхона концепцияси даромад манбаи бўлган мамлакат ушбу мамлакатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан доимий даромад оладиган компанияларнинг даромадларига солиқ солиш мумкин бўлиши учун жорий этилган, чунки доимий ваколатхона ташкilot этмасдан чет эл ташкilotларининг фаол иқтисодий фаолият юритиши мумкин эмас эди. Аммо электрон тижоратнинг пайдо бўлиши билан доимий ваколатхонани шакллантирмасдан ҳам турли мамлакатлар билан жуда фаол тадбиркорлик фаолиятини юритиш мумкин. Бу вазият импорт қилувчи мамлакатлар солиқ базасининг камайиши ҳисобига электрон тижорат ёрдамида товарлар ва хизматлар экспорт қилаётган мамлакатларнинг фойда солиғи бўйича солиқ базасини ўсишига олиб келади. Шунинг учун, ушбу ёндашув доирасида доимий ваколатхона концепциясидан солиқ қонунчилигининг категорияси сифатида воз кечиш ва агар ушбу шахснинг яшаш жойида солиқ миқдори чегириб ташланадиган бўлса, фойда солиғини мазкур давлатда чет эллик шахслар томонидан олинаётган даромадларнинг барча турларидан ундириш таклиф этилади. Бундан ташқари, ушбу тамойилни нафақат электрон тижоратдан олинган даромадларга нисбатан, балки анъанавий тадбиркорлик фаолиятидан олинандиган фойдага ҳам татбиқ этиш таклиф этилади.

“Вақтинчалик прогрессив ставкалар” концепцияси кўплаб замонавий олимлар томонидан электрон бизнес субъектларини энг адолатли солиққа тортиш усули сифатида қаралмоқда. Концепциянинг мазмуни, Интернет-компаниянинг бозорда иш юритиши муддатларига қараб, асосий тўғридан-тўғри солиқнинг дифференциацияланган ставкаларини қўллашдан иборат. Электрон бизнесни шакллантириш босқичида, тахминан икки-уч йил давомида минимал солиқ ставкасидан фойдаланиш тавсия этилади. Келгусида солиқ ставкалари аста-секин аниқ белгиланган чегарагача кўтарилади. Ушбу концепция ўсиб боровчи чегаравий фойдалилик қонунини, шунингдек биринчи беш йилда мос харажатлар ўн марталаб кам бўлгани ҳолда компаниянинг даромадлари юз минг марта кўпайиши каби электрон бизнесга хос бўлган хусусиятларни ҳисобга олади.

“Вақтинчалик прогрессив ставкалар” концепциясининг асосий муаммоси шундаки, компаниялар солиқ имтиёзларини қўллаш учун ўзларини тугатиб ва яна бошқатдан рўйхатдан ўтишган. Бунда кўпгина мамлакатлар солиқ амалиёти ушбу муаммони ҳал этишга қодир восита топилмади. Эҳтимол, ушбу концепцияни электрон тижорат субъектларига қўлланилганда, бу ҳам исталган иқтисодий самарани бермаслиги мумкин. Бундан ташқари, ушбу концепция солиққа тортишнинг бетарафлиги принципига зид келади, чунки электрон тижорат субъектлари оддий компанияларга нисбатан солиқ имтиёзларини олмасликлари лозим.

“Мустақил солиқ агентлари” концепцияси солиқни ушлаб қолиш ва кейинчалик тўлаш учун махсус тартибни яратишда ўз аксини топган. Электрон тижорат айрим сегментларида солиқ йиғилувчанлигини оширишнинг самарали усулини яратиш учун солиқ агентлари сифатида фаолият юритадиган ихтисослашган мустақил ташкилотлардан фойдаланиш зарур деб ҳисобланади. Бундай мустақил солиқ агентлари сифатида оддий молия-кредит ташкилотлари, масалан йирик банклар, фаолият юритиши мумкин.

Ушбу солиқ солиш концепцияси фақат электрон пулни қўллаш орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби ихтисослаштирилган электрон бизнес турларига тегишлидир. Аслида, электрон тўлов тизимлари ва уларнинг мижозлари учун солиқ назоратининг қўшимча тизимини қўллаш имкониятлари кўриб чиқилади.

Аввало, таъкидлаш лозимки, бу механизм, қўшимча солиқ тушумларини олиб келиши мумкин бўлса-да, ҳозирги пайтда кўплаб қўшимча муаммолар ечими билан боғлиқ. Бу ҳолда, солиқ ва банк қонунчилигини қайта қуриш, шу жумладан, мустақил солиқ агентларини танлаш мезонларини белгилаб олиш зарур, бу эса ўз-ўзидан мураккаб вазифа ҳисобланади. Бундан ташқари, электрон тўлов тизимларини назорат қилиш қайси механизми кўпроқ самарали бўлиши ҳозиргача аниқ эмас, хусусан, электрон пуллар билан тўловларни амалга ошириш фақат тегишли лицензияга эга бўлган молия-кредит муассасалари томонидан амалга оширилиши керак, деган муқобил нуқтаи назар ҳам мавжуд. Бундай ҳолатда “мустақил солиқ агентлари” концепциясидан фойдаланиш аслида унинг маъносини йўқотади.

Хулоса ва таклифлар

Солиқ механизмини ўзгартириш учун энг истиқболли йўналишларни танлаш учун электрон тижорат соҳасида фойдаланиш учун тавсия этилаётган тўққизта асосий солиқ концепцияси мазмуни кўриб чиқилди. Ўрганилаётган бир қатор концепциялар келгусида у ёки бу даражада электрон тижорат объектларини солиққа тортиш механизмининг асосий элементларини шакллантириш учун асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Аксарият мамлакатларда электрон тижорат субъектларини солиққа тортиш умумбелгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Электрон тижорат хусусиятларига кўра бундай ёндашув маълум бир маблағларни солиққа тортишдан чиқарилишига, солиқ базаси кўрсаткичларини камайишига ва бюджетнинг даромадлар қисми ижросини таъминламаслигига шароит яратади.

Электрон тижорат алоҳида битим ёки яхлит ташкилот даражасида ҳам солиққа тортишдан қочиш учун жуда кўп имкониятларга эга. Шу нуқтаи назардан электрон тижоратни солиққа тортиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортишда алоҳида ёндашувни ишлаб чиқиш ва қўллаш зарур.

Маълумки, ҳозирги кунда интернет-дўконларининг пайдо бўлиши, истеъмолчилар учун харидларни тезда амалга ошириш имконияти юзага келади. Электрон тижоратни ижобий жиҳатлари шундаки, истеъмолчилар асосан тўловларни мобил алоқа, интернет хизмати орқали амалга оширишмоқда. Лекин айрим ҳолатларда истеъмолчи онлайн-харидларга ишончсизлик билан мунобатда бўлиб қолмоқда.

Электрон дўконларни лойиҳалаштирувчи юқори малакали касб маҳоратига эга мутахассисларнинг, шунингдек, ишончли, самарали ва қиммат бўлмаган дастурий воситаларнинг етарли эмаслиги. Агар дўкон эгаси ўз фаолиятини электрон тарзда юритмоқчи бўлса, бунинг учун қўшимча маблағ талаб этилади, натижада таннарх ҳам ортади. Аммо ягона портал орқали кам харажат дастурий таъминот ишлаб чиқилса, ушбу муаммони бартараф этиш мумкин. Бу ўз навбатида амалга оширилаётган операциялар яъни маҳсулот сотилиши ва унга қўйилаётган солиқ тўловини назорат қилиш осонлашади.

Электрон тижоратни янада жадал ривожлантириш, ушбу тармоқда “яширин иқтисодиёт”ни кўламини камайтириш, электрон тижорат субъектларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида тармоқнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда электрон тижорат субъектларига енгилаштирилган солиққа тортиш тартибини жорий этиш ва унга пасайтирилган ставка белгилаш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, бунинг натижасида электрон тижоратни амалга оширувчи ташкилотлар ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда қонуний асосларда фаолият кўрсатишига рағбат бўлади ҳамда яқин келажакда мазкур тижорат тармоғини янада жадал ривожланишини таъминлайди ва бюджет даромадларини шакллантиришда сезиларни даромадлар кўпайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.И.Усманов Электрон тижорат виртуал иқтисодиётнинг асосий компоненти сифатида: таҳлил ва тавсиялар “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. № 1, февраль, 2018 йил.

2. Васильева, Н.М. Электронная коммерция и ее налогообложение: Конкурентоспособность и модернизация экономики: сборник студенческих работ / Н.М. Васильева / 2011. – 17с; Ведерников, Д.Ю. WEB сайт как зеркало развития электронной торговли : Менеджмент и бизнес / Д.Ю.Ведерников, 2016. - 51с; Воронов, В.А. Организация электронной коммерции: Маркетинг / В.А.Воронов, 2015 – 93с.; Гаврилов, Л.П. Информационные технологии в коммерции : учебное пособие / Л.П.Гаврилов, 2014 – 261с; Борщев, В.Г. Становление и развитие предпринимательской деятельности в интернет-экономике: Диссертация кандидата экономических наук / В.Г.Борщев , 2009. – 17 с.; Бритков, З.А. Электронный бизнес и наше будущее / З.А.Бритков, В.А. Смольянинов - Консультант директора, 2015. - №2.; Ведерников, Д.Ю. WEB сайт как зеркало развития электронной торговли : Менеджмент и бизнес / Д.Ю.Ведерников, 2016. - 51с.; Брагина, Л.А. Электронная коммерция: Учеб.пособие под общ.ред. Л.А. Брагина. М. Экономистъ, 2014 – 148с.; Давыдов, В. М.Электронная коммерция : учеб. пособие / В. М. Давыдов, А. В. Рудецкая. - Хабаровск : Изд-во Тихоокеан. гос. ун-та, 2015. - 149 с.

3. Cerovac, B., Carver, D.C. and Solomon, R.J.,1996, «Electronic Commerce and Intellectual» Property: Protect Revenues, Not Bits./www.farmit.edu/Pubs/ec-ip/index.html.; Kumar, V., 1995. Mbone: Interactive Multimedia on the Internet, Macmillan Publishing.; Lemley, M-A., 1996 «Dealing with Overlapping Copyrights on the Internet» Himeo. The School of Law, The University of Texas.; Savetz, K., Randall, N., Lepage, Y., 1996, Mbone: Multicasting Tomorrow's Internet. IDG Books.

4. Н.Р.Қўзиева ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиётини тартибга солишда солиқ имтиёзлари таъсирининг таҳлилі. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. № 3, июнь, 2018 йил; Абдуллаев В. Э. Ўзбекистонда электрон тижорат бозорининг ҳолати ва унинг таҳлилі, Журнал научных и прикладных исследований Научно-практический журнал №6 / 2018; А.И.Усманов Электрон тижорат виртуал иқтисодиётнинг асосий компоненти сифатида: таҳлил ва тавсиялар “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журналі. № 1, февраль, 2018 йил.

5. О.П.Шукурова Электрон тижорат тизимларида виртуал савдо майдонлари. Иқтисодиётнинг реал тармоқларини инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти Республика илмий-техник анжуманининг маърузалар тўплами, 2017 йил.

6. В.Э.Абдуллаев Ўзбекистонда электрон тижорат бозорининг ҳолати ва унинг таҳлилі. Журнал научных и прикладных исследований 2016 йил, 6-сон, 10-бет.

7. eMarketer, Retail E-Commerce and the Economy, May 19, 2019 // http://www.emarketer.com/Article.aspx?id=1006307&src=article1_newsltr.
8. Forrester Research, US eCommerce Forecast: 2019 To 2019, January 18, 2019// <http://www.forrester.com/Research/Document/Excerpt/0,7211,41592,00.html>
9. eMarketer, Asia-Pacific B2C E-Commerce: Focus on China and India, January 2019 // http://www.emarketer.com/Report.aspx?code=emarketer_2000455&src=report_summary_reportsell
10. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Ташкент шаҳри, 2003 йил 11 декабрь, ЎРҚ № 563-11 сон.
11. Корень А.В. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. - Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.
12. Хуснетдинов Р.Е. Актуальные проблемы налогообложения субъектов электронной предпринимательской деятельности // Актуальные проблемы налоговой политики: сборник статей участников III Международной научно-практической конференции молодых налоговедов в 2-х частях. Часть II. М.: Финуниверситет, 2011. - С-214.